

Инсон табиати кизик. Баъзи холларда арзимагандай бўлиб кўринган нарса унга каттик таъсир килиб кетади. Ўша нарса уни чуқур ўйларга толдиради. Рохатсиз килади. Нимадир килишга ундайди. Яқинда “Озодлик” радиоси оркали мухтарам Намоз Нормўмин томонидан туркчадан таржима килиб ўқилган бир мақола менга шундай таъсир килди. Мақоланинг бадиий адабиётга аталган қисмида ўзбек адабиётидаги исломий шуурни Совет давридан олдинги адабиётда ва Абдулла Кодирий ҳамда Чўлпоннинг баъзи асарларидагина кўриш мумкин, деган фикр олга сурилади.

Ўзини қадимдан мусулмон санаб келаётган катта бир миллат учун бу мусибат эмасми? Бу-сўз мулкининг султони бўлган Алишер Навоий, Захириддин Мухаммад Бобур, Мавлоно Лутфий, Саққокий қаби улуг адиб ва шоирларни етиштирган халқ учун ору-номус эмасми?

Шу ва шунга ўхшаш нарсаларни ўйлаш мени нафакат бадиий адабиётимиздаги исломий шуур, балки адабиётимизнинг умумий ахволи хақидаги хаёлдан йиллар бўйи тугун бўлиб келаётган фикрларни қайтадан эслашга мажбур килди.

Юқорида зикр этилган мақола соҳиби, Совет давридаги асарлар ичидан раҳматли Абдулла Кодирийнинг “Ўтган кунлар” ва “Меҳробдан чаён” асарларини эслайди. Дарҳақиқат, ушбу икки асар ҳозирда ҳам қайта-қайта чоп бўлмоқда, халқ томонидан ўқилмоқда. Бошқа нима бор? Ха, бошқа нима бор? Хаммамиз бир овоздан иттифок килиб, тортинмасдан бутун дунёга, бошимизни баланд кўтариб тақдим қила оладиганимиз нима бор? Эҳтимол бу хаддан зиёд муболагадир. Эҳтимол, шу саволга жавоб излаб ёзувчиларимизнинг Совет даврида ёзган асарларини саралаб чиқишга имконимиз бўлмагандир. Аммо, юқоридаги саволга шахдам жавоб бера олишимиз кийин эканлигидан аччиқ хақиқатни ҳам тан олмоғимиз лозим.

Албатта, бу саволни Горбачевнинг қайта қуришидан олдин биров бера олмас эди. Берган одам эса балога қолар эди. Энг аввал хурматли шоир ва ёзувчиларимиз бир овоздан: “Эй, сен нима демокдасан?! Улуг Октябр Сосиалистик инкилобигача ёппасига саводсиз бўлган, баъзи бир золим бойлар ва рухонийларнинг ёнини олувчи диний-клирикал руҳдаги арзимаган шоирлардан бошқа ҳеч кими бўлмаган “шўрлик” ўзбек халқидан, Совет даврида, шонли КПССнинг доно раҳбарлиги остида бунча Сосиалистик меҳнат қахрамони, Бунча Ленин ва Сталин мукофоти соҳиблари, яна қанчадан қанча орден-медаллар олган шоир ва ёзувчилар етишиб чиқди. Биз, фақат Совет давридагина ўз ёзувчимизга, ўз маданиятимизга, ўз адабиётимизга эга бўлдик”, дейишарди.

Ҳозирда эса, мухтарам шоир ва ёзувчиларимизнинг ўзлари мазкур даврдаги умр беҳуда ўтганига афсус қилмоқдалар. Улардан бирлари: “Нахотки етмиш тўрт йил сизинг жойи манфур манзил бўлса, жирқанч ва хароб”, деб шеър ёзаётган бўлса, бошқиси китоб жавони ёнидан ўтаётиб ўз асарларини кўрганда кўзини юмиб тесқари қараб ўтишини эътироф қилмоқда.

Хўш? Нима бўлди ўзи? Биргаликда ўйлаб кўрайлик. 1917 йили Ленин бошлиқ бир тўда муттаҳамлар томонидан амалга оширилган иш оддий давлат тўнтариши, балки, ўша машъум ҳудуддаги барча халқлар ҳаётининг барча соҳаларида ҳам тўнтариш эди. Жумладан, бадиий адабиёт соҳасида ҳам катта тўнтариш юз берди. Бизнинг юртимизда

хам халклар бошига битмас-туганмас мусибатлар келтирган “Улуг Октябр” дан олдинги адабиётимиз ярқисиб, деб эълон қилинди. Енг шимариб янги-шаклан миллий, мазмунан социалистик адабиёт барпо қилиш бошланди. Аслида эса бу янги адабиёт-шаклан ўз миллатини ерга уриш мазмунан етакчи рус халқининг авангардлик йўлини кўрсатиш ва компартияни муқаддаслаштириш адабиёти эди.

Бу янги адабиётнинг тамсилчилари бадиий йўл билан миллатимиз, халқимиз дину-диёнатини, иймон эътиқодини, урф-одатини, тарихини, ўтмишдаги улуг сиймоларини, ору номуси ва гурурини оёқ остига олиб тепсадилар. Шу билан бир вақтда худосизликни, иймонсизлик ва эътиқодсизликни, Ленин ва Марксни, рус халқини ва бошқаларни кўқларга кўтариб мактадилар. Уларнинг асарлари орқали бошқа халқлар ичида ҳам бизнинг халқимиз ичида ҳам салбий фикрлар тарқади.

Ўзини, социалистик реализм адабиёти, деб номлаган бу адабиёт, ҳаётдаги воқеъликни коммунизм фойдасига бузиб кўрсатиш йўлида ҳар қандай пасткашлиқдан қайтмади. Бу адабиёт юртимиз ва халқимиз манфаатларини бошқовларга сотганларни миллий қахрамон қилиб, миллий мужодаламиз қахрамонлари мужоҳид-ларимизни ўғри-муттахам ва босқинчи қилиб кўрсатишни ўзига шараф, деб билди. Воқеъликдан узок бўлиб туриб реализмни даъво қилган бу адабиёт Бухорои шарифни бино қилган буюқ аждодларимизни жоҳил, мутаассиб қилиб сифатлаб, уни босиб олиш учун замбараклардан ўққа тутиб вайрон қилган бошқов қаллақесарларни халоскор этиб сифатлади.

Худди шу ҳолни юртимиз ва халқимизнинг ҳар бир даври ва босқинчи акс этдирувчи бадиий асарларда кўрамиз.

Мазкур адабиёт вакиллари томонидан сифатланган ижобий қахрамонлар динимизга, урф-одатимизга эскилик сарқити деб қарайдилар, уларга қарши курашда ҳатто ўз оталарини ҳам аямайдилар. Янги ҳаёт қуришга келганда эса қўлларидан ҳеч нарса келмай турадилар, шунда бу анқовларга авангард халқ вакили, рус оғалари ёрдамга келадилар, уларнинг кўзини очиб, ақлини сошлаб тўғри йўлга бошлайди. Бу эса, улуг Рус халқи бўлмаганида ўзбеклар одам бўлмас эди, деган фикрнинг бадиий йўл билан ифода этиш эди.

Шундай қилиб, компартиянинг топширигига биноан реалистик адабиёт янги, инсон-коммунизм қурувчисини яратишда ўзининг салмоқли хиссасини кўшди. Ўз навбатида коммунизм қурувчисини яратишга қўшилган бу салмоқли хисса қишлоқларимизни ўз ақлларидан, дини диёнати, одоб ахлоқи, миллий гуруридан узоклаштиришда ҳам салмоқли хисса бўлди.

“Бировга чоҳ қазима, ўзинг тушасан”, дейди доно халқимиз. Ўтмишдаги адиб боболаримизни золим ҳукмрон синфнинг халқни эзишдаги қуроли бўлган, деб васф қилган Совет адиблари уларга қазиган чуқурга охири-оқибат ўзлари тушдилар. Эски пайтда баъзи бир шоир ва ёзувчилар, ўзларига маълум сабабларга кўра, гоҳида ҳокимларни мадҳ этган бўлсалар, Совет адабиёти бутун борлиги билан дунёдаги энг золим тузум-коммунистик тузумни мактаб, унинг қўлидаги халқни эзиш воситасига айланди.

Қадимги “золим ҳокимлар” ўзини мактаган шоирга ҳадя тақдим этиб, бошқаси билан иши бўлмаган бўлса, “янги одиллар”, ўзининг изнисиз бирор шоир ёки адибнинг бир оғиз қалимасини ҳам қикмайдиган қилиб қўйди. Халқни эзиш учун қикараётган ҳар бир ҳукми ва қарорини эълон қилишдан олдин шоир ва адибларни тўплаб қелиб, биз бу қарорни қикарамитиз, сиз халққа тушинтирасиз, дейдиган бўлишди. “Одил тузум”нинг “хур ва эркин”

адиблари эса жонажан коммунистик партиянинг хар бир чакиригига факат лаббай, деб жавоб берар эдилар.

Хўш, бунда ким айбдор? Албатта, тузум айбдор! Бугун парчаланиб кетган ўша машъум тузумни хамма лаънатламокда, аммо уни хаммадан кўра кўп лаънатлаётганлар унинг эски маддохларидир.

Уларнинг бу киликлари “Кўрккан олдин мушт кўтарар” деган маколни эслатади. Айни чокда ўйлаб коласан киши: хўш, улар ўтган тузумни нима учун лаънатлайдилар? Ўтган тузумнинг маддохи сифатида улуг унвонлар, мукофотларга эришган эдилар. Энди янги тузумдан нима кутмоқдалар?

Якинда бир хабар эшитдим: Наширёт “XX аср ўзбек рўмони” туркимини ташкил этган.

Бугунги замон учун хам хизмат кила оладиган, кайта нашрга арзийдиган 20та рўмон топилмабди. Холбуки “Ўзбекистон халк ёзувчиси” унвонига эга, Давлат мукофотлари билан тақдирланган ёзувчилар сони умумий хисобда юздан ошса керак.

Ажабланарли томони шундаки, биронта ёзувчи эски тузумга хизмат килган асаридан, бу асар учун олган мукофот, унвонидан воз кечгани йўк.

Албатта, хур ва эркин бўлмаган каламқашдан олий маком асарлар кутиб бўлмайд.

Бунинг устига тузум кургур каламқашликни корин тўйдириш, бола-чака бокиш ва мансаб поганасида кўтарилиш воситаси килиб кўйган. Тузумда бошка манба оркали корин хам тўйгаза олмайсан, бола-чака хам бока олмайсан. Тузумга ёкадиган нарса ёзмасанг калам хаки хам ололмайсан. Тузумга ёкмайдиган нарса ёзсанг ёзганинг чикмайди, ўзинг балога коласан. Ушбу ва шунга ўхшаш холатларни эътиборга олиб адабиётимиз захматкашларини маломат кила оладиган азамат йўк. Уларга “Нима учун жахон адабиётининг шох асарларини битган кишилар каби асарлар битмадингиз?” деб савол берадиганлар хам йўк.

Лекин адибларимизга бериладиган бошкача саволлар анчагина бор. Баъзи адибларимиз билан ўтказилган учрашувлардан бирида ёш йигит: “Шароитлар бир хил бўла туриб нима учун гуржи адабиётида ўз миллати ва халкининг гурурини эъзозловчи асарлар битилди-ю, бизнинг адабиётимизда битилмади?”, деган савол берди. Эътиборга сазовор савол. Бир боскинчининг мустамлакаси бўлган, бир хил конун ва тазйиклар остида яшаган икки халк адабиётининг бирида ўз миллати гурури ерга урилади-ю, иккинчисида ўша гурур эъзозланади. Нима учун? Атрофлича жавоб бериш керак. Нима учун руслардан хак гапни баралла айтадиганлар чикдию, ўзбеклардан чикмади? Нима учун золим тузумга “Сен золимсан!”, деб баралла айтганларида уларни мурдадликда айбловчилар сонсиз-саноксиз чикдилар? Холбуки, рус адиблари коммунистик тузум олдида эрка эдилар, улар тузумдан норози бўлишлари эхтимолдан йирок эди. Лекин, нима учун аксинча бўлиб чикди?

Нима учун Афғонистонга килинган конли Совет боскини пайтида шоир Евтушенконинг “Афгон чумолиси” шеъри тилларда дoston бўлди ва аскарлар томонидан кўшик килиб куйланди-ю, бизда факат байналминалчи Совет армияси кўкларга кўтарилиб, афгон мужохидлари “душман” деб васф килинди.

Ёки бўлмаса, бошкаларни кўйиб, ўз жигарларимиз, шароит жихатидан биздан хам бадтар холда бўлган кўшниларимиз козок ва киргиз биродарларимизни олайлик.

Нима учун козоклардан Ўлжас Сулаймон чикди-ю, биздан чикмади? Нима учун киргизлардан Чингиз Айтмат чикдию, биздан чикмади? Нима учун Чингиз оганинг бугунги кунда дунёда асарлари энг кўп ўкиладиган уч ёзувчидан бири эканлигини яхши биламизу, ўз ёзувчиларимизнинг хаммаларини тўплаб келганда хам нечанчи ўринда

туришларини билмаймиз? Бунга ўхшаш саволлар анчагина бор. Бу саволларга холисона саволлар деб караб, холисона жавоблар излаш керак.

Адолат юзасидан айтишимиз лозимки, шоир ва ёзувчиларимиз кайта куриш йилларида факат хукуматнинг эмас, балки халкнинг, миллатнинг дарди билан ҳам ёниб-куйиш кобилиятига эга эканликлари намуналари кўрсатдилар. Бу намуналарни эса янада ривожлантириш керак.

Ўтган дарс ва ибратлардан ваъз насихат олиб хатоларни такрорламай, ижобий тарафлари ривожлантириб борилиши керак.

Пайгамбаримиз Мухаммад мустафо солаллоху алайхи васаллам: “Мўмин киши бир илон уясидан икки марта чакилмайди”, дейдилар.

У зоти бобаракот солаллоху алайхи васалламбошка хадисларида: “Барча одам боласи хатокордир. Хатакорларнинг яхшилиги тавба килувчилардир”, дейдилар.

Янги замоннинг адиблари шуларни унитмаслар, деб умид киламиз.

Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф, рохимахуллох  
"Тарих омонатдир" китобидан